

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Янги жамоат руҳи”ни яратишда ўзаро ҳамкорлик зарур

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси,
Ўзбекистон фахрийларининг
ижтимоий фаолиятини қўллаб-
қувватлаш “Нуроний” жамғармаси,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ўртасида
ўзаро ҳамкорликни таъминлаш
мақсадида Меморандум
имзоланди.

Меморандум ўзида маҳаллаларда амалга
оширилаётган ислохотлар натижадорлигини
аҳолига етказиш, оилаларни камбағалликдан
чиқаришда “янги жамоат руҳи”ни яратиш,
ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлод
кишиларини эъозлаш, эзгулик ва раҳмдиллик
сингари халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини
хурмат қилиш руҳида тарбиялашга
йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш
каби мақсадларни қамраб олган.

Тадбирда бу каби мақсадларга
эришишда биргаликда саъй-ҳаракатларни
мувофиқлаштириш яхши самара бериши қайд
этилди. 2025 йилда амалга ошириладиган
биргаликдаги режалар таҳлил қилинди.



БУГУНГИ СОНДА:

Оналар ўқимаса, болалар ҳам ўқимайди...(ми?)

Айрим оилалар ёш
қизларни 7-8-синфлигидан
ўқишга жиддий эътибор
қаратиши шарт эмаслиги,
кўпроқ таом тайёрлашни
ўрганиши, тикиш-бичишни
билиши, рўзғор тутумида
эпли бўлса, шунинг
ўзи етарли эканини
таъкидлайди. Бу нотўғри,
албатта.

4-с.

“Маҳалла академияси” ташkil этилади

ЖАРАЁН



“Йўл харитаси”га асосан, Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси ҳузурида
“Маҳалла академияси” ташkil
этилади. “Маҳалла еттилиги” аъзолари,
“Маҳалла сервис компанияси”
раҳбарлари, камбағал оила аъзолари
камбағалликни қисқартириш бўйича
жорий этилаётган янги тажрибалар
бўйича каскад усулида ўқитилади.

Боқиманда кайфиятдаги аҳолини да-
ромадли қилиш ва уларга мотивация
бериш бўйича “Фаровон ҳаётга илк
қадам” лойиҳаси амалиётга жорий
этилади. Бу жараёнда туман ва шаҳар-
ларда жами мингта (шу жумладан, оғир
тошқадаги 300 та маҳаллада) “Маҳал-
ла сервис компанияси”ни ташkil этиш
орқали 15 минг нафар камбағал оила
аъзолари бандлиги таъминланади.
Маҳалла сервис компаниялари ҳамда
жамоатчилик ишларига жалб қилинган
камбағал оила аъзолари учун **ижти-
моий балл тўплаш тизими** жорий қи-
линади. Ижтимоий баллардан давлат
хизматлари, шу жумладан, коммунал
тўловларни амалга оширишда фойда-
ланиш мумкин бўлади.

Аҳолида меҳнатсеварлик туйғусини
кучайтиришга қаратилган “Ишонч”
лойиҳаси амалга оширилади. Ўз
меҳнати билан камбағалликдан фаро-
вонликка эришган оилаларнинг ижо-
бий тажрибаларини оммалаштириш,
маҳаллаларда “**Фаровонликка эришган
энг намунали оила**” танловини ўтқа-
зиш назарда тутилади.

“Маърифат орқали камбағалликни
қисқартириш” дастури йўлга
қўйилади. Эл орасида катта обрўга
эга олимлар, ёзувчи-шоирлар,
театр, маданият, санъат арбоблари,
маҳаллалардаги ҳожилар “**маънавий
қўмакчи**” этиб 1 024 та маҳаллага
бириктирилади. Намунавий никоҳ
тўйи, оилавий тантаналар, маърака
ва маросимлар сценарийси ишлаб
чикилиб, амалиётга татбиқ қилинади.

5-с.

Маҳаллаларда тинч ва хавфсиз муҳит яратилади

Криминоген вазиятни
живовлаш мақсадида
“қизил” тоифадаги
маҳаллаларда “Намунали
хавфсиз кўча” ва “Намунали
хавфсиз йўлак”лари ташkil
этилади. Видеокамералар
профилактика инспектори
ва ички ишлар бошқармаси
вазиятлар марказига
интеграция қилинади.

6-с.

Ногиронлик гуруҳини тайинлаш бўйича назорат ўрнатилса...

“Айрим вақтлар ҳақиқатан
муҳтож, имконияти
чекланган фуқаролар
ногиронлик гуруҳига
чиқолмай сарсон бўлиб
юришади. Ўзига тўқ,
шароити яхши кишиларнинг
бу масалада иши жуда тез
ҳал бўлаётганини кўриб
хайрон қоламан”...

7-с.



“Маҳалла сервис компанияси”ни қандай ташkil этиш керак?

Айни пайтда
мамлакатимиз-
нинг 208 та
туман-шаҳрида
“Маҳалла сер-
вис компанияси”
фаолияти йўлга
қўйилган.

Режага кўра, 2025 йилда яна 1 000 дан
ортиқ маҳаллада ана шундай компаниялар
иш бошлайди. Улардаги хизматлар сони 23
турдан 31 турга етказилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида 208
та компания раҳбарлари учун ўқув амалий
семинар бўлиб ўтди. Семинарнинг назарий
қисмида дастлаб мазкур компанияларни таш-
kil этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари хусусида
маълумот берилди. Фаолиятни ташkil этишда
берилган имтиёزلарга тўхталиб ўтилди.

“Маҳалла сервис компанияси” фаолияти-
ни ташkil этишда Хитой тажрибаси намуна
сифатида танланган. Шунга кўра, семинарда
иштирокчилар хорижий мамлакатларда таш-
kil этилган айни шундай тажрибалар билан
таништирилди.


СЕМИНАР



Президент
“Атроф-муҳитни асраш
ва “яшил иқтисодиёт”
йилининг давлат дастури
лойиҳаси юзасидан
ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
Туркманистон Вазирлар
Маҳкамаси раисининг
ўринбосари, ташқи ишлар
вазирлиги Рашид Мередовни
қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари
Беларусь Республикаси
Президенти Александр
Лукашенкони Президент
сайловидаги ИШОНЧЛИ
ҒАЛАБАСИ билан қутлади.

ТАЖРИБА

Хабарингиз бор, газетамизнинг аввалги сонида “Маҳалла бюджети” орқали ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топаётган маҳаллалар тажрибаси ҳақида ҳикоя қилгандик. Шундан сўнг кўплаб маҳалла раислари мурожаат қилиб, тажрибалари билан ўртоқлашишди.

“Маҳалла бюджети” дан ким қандай фойдаланяпти?

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Сирдарё туманидаги “Бахмал” маҳалласи раиси Элдор Рахимовнинг маълум қилишича, ушбу маблағ ҳисобидан фуқаролар йиғини биноси ҳовлисига сув насоси ўрнатилиб, ўт ўриш ускунаси сотиб олинди. “Маҳалла боғи” ташкил этилиб, 2 000 тул терак кўчати ўтказилди. “Бахмал сервис компанияси”га бино ва чиқинди тўплаш хонасини қуриш ҳаракатлари бошланди. Бундан

ташқари, кам таъминланган оила фарзандлари учун мактаб кийимлари харид қилинди. 14 та кўчага тунги ёритиш чироқлари қўйилди. Бу соҳада Урганч туманидаги “Ёшлик” маҳалласида ҳам ўзига хос ютуқлар кўзга ташланди. — Янгилик маҳалладаги муаммоларни ижобий ҳал қилишда жуда яхши самара берапти, — дейди маҳалла раиси Гулистон Қуронов. — Мисол учун, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида замонавий кузатув камералари ўрнатдик. Бу — ободликни таъминлашда қўл келяпти. Чунки олдинлари айрим фуқаролар

хоҳлаган жойига чиқинди ташлаб кетарди. Афсуски ҳуқуқбузарни топиш имконсиз бўларди. Энди видео тасвир орқали жамоатчилик назорати ўрнатилди. Бундан ташқари, “маҳалла бюджети” маблағи ҳисобидан компьютер жамланмаси сотиб олдик.

Карши шаҳридаги “Маҳаллот” маҳалласи раиси Гулжаҳон Эркаеванинг қайд этишича, авваллари маблағ йўқлиги учун бирор-бир кичик муаммо ҳам мустақил ҳал эта олинмаган.

— Авваллари маҳалла ишини юритиш учун зарур бўлган қоғоз, ручка учун пулни қаердан олишни билмасдик, — дейди Г.Эркаева. — Янги ташаббус ортидан молиявий мустақилликка эришдик. 2024 йилда ҳисобимизга 34 миллион сўм маблағ келиб тушди. Шунинг ҳисобидан маҳалла учун планшет харид қилдик. Компьютер жамланмасига талабнома чиқардик. Маҳалла биноси олдида эълонлар бурчаги ташкил қилдик. 2025 йилда режамиз янада катта. Насиб этса, Маҳаллот кўчасини асфальтлаш белгиланган.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ” ХОНАДОНЛАРГА БАРАКА ОЛИБ КИРДИ

Сайхунобод туманида қисқа вақт ичида катта ишлар бажарилиб, ҳудуд тажрибаси асосида 598 та микролойиҳага 19,5 млрд. сўмлик кредит ажратилди. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида аҳолига деҳқончилик учун тақсимланган 70 гектар ер майдонида 1,5 млрд. сўмлик намунавий лойиҳа амалга оширилди.

Назира МАҲКАМОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси.

— Президент таширифидан кейин туманимизда томоқадан самарали фойдаланиш бўйича янгича иш ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сайхунобод тумани бўлими бошлиғи Тоҳир Жавононов. — Мисол учун, таширфгача аҳолининг 3 минг 400 гектар томоққа ери мавжуд бўлган бўлса, шундан 30 фоиздан самарали фойдаланиб келинган. Қолган 70 фоизига маккажўҳори, беда экилан, холос. Аввало, мана шу жиҳатга эътибор қаратдик. Жараёнда ҳар бир маҳаллага томоққа бўйича агроном-мутахассис бириктирилди. Юқори даромад олиш бўйича маслаҳат берилди. Натижада йилига 3 мартагача ҳосил олишга ишшилди. Ўзини ўзи банд қилиш ҳисобида ишсизлик ва камбағаллик қисқартирилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2024 йилда 130 тага кўпайиб, жами 394 тани ташкил этди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет тушумига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ривожлантирилди.



Хулоса қилиб айтганда, “Сайхунобод тажрибаси” нафақат туманда, балки республикада оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қияпти.

“ОҚИБАТ” ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛДИ

Сирдарё вилоятининг ҳар бир кўчаси обод ва кўркамлашяпти. Хусусан, 3 минг 306 нафар аҳоли яшайдиган Сирдарё туманидаги “Оқибат” маҳалласида ишлар қизғин давом этапти.

— Тоza ва обод хонадонда барака бўлади, — дейди маҳалла раиси Достонбек Усмонқулов. — Қувонарлиси, ҳудуддаги хайрли тадбирларда аҳоли вакиллари “маҳалла еттичилиги” ходимларига қамарбаста бўляпти. Мавжуд 14 та кўчага “еттилик” ходимлари бириктирилган. Ҳашар орқали 10 километр узунликдаги йўллар ободонлаштирилди. 667 та хонадон намунавий кўринишга келтирилди. Шунингдек, 1 километр узунликдаги ариқлар тозаланди. Бўш турган ер майдонига 200 тул кўчат экилди.

Халқимизга хос бундай хайрли ишларда эзгу орзу-мақсадлар ўз ифодасини топяпти. Зеро, ободлик бор жойда, файзу барака, ривожланиш бўлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Отамурод ЖУМАНОВ.
Урганч туманидаги “Кўнғирот” маҳалласи раиси:

— Яқинда бир фуқаро мурожаат билан келди. Ишлаётган корхонасида ходимлар қисқариши сабабли ишдан бўшатилибди. Оиласида ундан бошқа мустақил иш ҳақи олувчи йўқ. Шу сабабли молиявий аҳоли ёмонлашган. Қонунчиликка кўра, корхонада ходимлар сони қисқарса, унга имтиёз берилиши керак эмасми?



ҚИСҚАРТИРИШДА КИМЛАР ИМТИЁЗГА ЭГА?

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

— Меҳнат кодексининг 167-моддасига асосан, корхонада ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёз малакиси ва меҳнат унвондорлиги юқори бўлган ходимларга берилади.

Малакиси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда:

- ✓ қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- ✓ оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчиси йўқ шахсларга;
- ✓ мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- ✓ ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларида меҳнат шартномасига кўра тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларини таъминлаш мақсадида ўқиниш таъминлаганидан кейин мутахассислиги бўйича ишлаш шартли билан уч йил мобайнида;
- ✓ мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган ҳамда ногиронлиги бўлган, уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ✓ атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирганларга афзаллик берилади.

ТАЖРИБА

“Энди кўчалар қишда лой, ёзда чанг бўлмайди”

“Ободонлаштириш”, “кўкаламзорлаштириш”, “тозалик” сўзлари кундалик ҳаётингизга айланмоқда.

Президент топшириғига асосан, мамлакатимиз бўйлаб энг чекка ва олис ҳудудларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларининг жорий этилганида чуқур маъно, аниқ мақсад мужассам.

Жавлонбек МАШАРИПОВ,
Янгиарик туманидаги
“Хўжалар” маҳалласи раиси.

Дарҳақиқат, мазкур мезонлар доирасидаги ишлар чекка ҳудудлардаги аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаб, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаяпти.

Эзгу ҳаракатлар натижа-сида маҳалламизда улкан ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Кўчалар қиёфаси ўзгарапти. Мутахассислар жалб қилиниб, йўлларни таъмирлаш, ички тупроқ кўчаларга асфальт ётқизиш, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотидаги узилишларни бартараф қилишга киришилди.

Ҳудудда хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, ҳар бир бино, хонадон атрофини обод қилиш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш, ариқларни тозалаш, кўкаламзорлашти-



Режага кўра, 1,5 км. масофадаги ички йўлни асфальтлаш, 4 км. қисмини шағаллашга киришилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 50 та эски симёғоч таянч устунга алмаштириляпти.

ришга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Бундан ташқари, уйларнинг фасад қисми таъмирланыяпти. Белгиланган ишлар якунида 23 та кўча қишда лой, ёзда чанг бўлмайди. Маҳаллада 2 минг 638 нафар аҳоли истиқомат қиладди. Ўсиш нуқтаимиз — кишлоқ

хўжалиги ва деҳқончилик. Йил бошидаги хатловда 50 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган. Улар ҳудуддаги тикувчилик корхонасига ишга жойлаштириляпти.

Маҳаллалар кесимида жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи ҳисобидан маблағлар Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига ўтказилаётгани айтиш мумкин бўлади. Маблағлар фуқароларнинг тақдифи ва “маҳалла еттичилиги”нинг қарори асосида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этиш учун сарфланыяпти. Мисол учун, 2024 йилда асосий кўчалар кириш қисмига 2 та кузатув камераси ўрнатилди. Жорий йил маҳалла биносига қуёш панели ўрнатиш режалаштирилган.



Президент қарори билан Ўзбекистоннинг транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.



Нукус, Бухоро ва Наманган давлат техника университетларини ташкил этиш тўғрисида Президент қарори имзоланди.



Президент қарорига кўра, Тошкент шаҳрида ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ ташкил этилади.

“Қамбағалликни ташаббус ва тажриба асосида камайтиряпмиз”

МАҲАЛЛАМИЗ АҲОЛИСИ ИССИҚХОНАДА ЦИТРУС МЕВА ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАГА ЭГА.



Акмалжон ҚОДИРОВ, Норин туманидаги “Бойовул” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Қарийб 30 йилдан бери соҳада янги навлар яратиш, уларнинг кўчатини етказиб бериш борасида изланаётган омишкорларни республикада яхши билишади.

Лимон етиштириш у даражада қийин иш эмас. Сув ва ўғитларни вақтида бериб, қараб турсангиз қифоя. Уч йилгача кам ҳосил беради, ундан кейин даромад чўғи мўл бўлади.

Маҳмудовлар оиласи бу борада етакчи. Раҳматли Валижон ота Маҳмудов 20 йил аввал туманда биринчилардан бўлиб лимон етиштиришга қўл урган. Оила аъзолари билан лимон парваришlash ва кўпайтириш сирларини пухта ўзлаштириб, томорқасида кўркам боғ барпо этган. Пайванд қилиш ва чатиштириш орқали цитрус меваларининг янги навлари яратган деҳқон тажрибаси нафақат туман, балки вилоят миқёсида оммалашган. Бугунги кунда отахоннинг фаолиятини ўғли Жасурбек Маҳмудов давом эттиряпти. Ҳозир хонадонда камида 30

“

Даромад йилига 300 миллион сўмни ташкил этапти. Қиши билан сотилган мевалар яхшигина фойда берапти.

”

минг туп кўчат парваришланаяпти. Республикадан ташқари, қўшни давлатларга кўчат экспорт қилинади. Даромад йилига 300 миллион сўмни ташкил этапти. Қиши билан сотилган мевалар яхшигина фойда берапти.

Янгилик, омишкорлик тажрибада туғилади. Ерга меҳр берилса, саховатини аямайди. Бугун оила аъзолари бу фаолият истагидаги маҳалладошларига зироатчиликнинг синоати, кўчат етиштириш агротехникаси, мўл-ҳосил олиш сирларини ўргатапти. Маҳаллада 539 та хонадон бўлса, 380 таси иссиқхонада лимон етиштириш би-

лан банд. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида лимончилик асосий ўсиш нуқтамига айланган.

Ташаббусимиз асосида 2-сектор ҳудудида банк билан ҳамкорликда лимончилик бўйича ўқув-амалиёт маркази очилган. Бу ерда қизиқувчи ёшлар, айниқса, “Темир дафтар”даги оилаларнинг бандлиги таъминланмаган фарзандлари бепул ўқитиляпти. Уларга бир неча ой давомида лимончилик бўйича билим бериб, даромад топиш йўллари кўрсатиляпти. Марказ олдида 3 сотих ер ажратилган. 1,5 сотихда кўчат, қолган қисмида мева чиқариш бўйича ўқувчиларга амалий машғулот ўтилади. Маълум билимга эга бўлганларга бир сотихдан ер берилиб, мустақил фаолият юритишига имконият яратиляпти. Шу орқали туманда қамбағал оилаларга кўмаклашяпмиз.

2024 йил бошида қамбағаллик даражаси 7 фоиз эди. Якунда бу кўрсаткич 5,6 фоизга, ишсизлик 0,5 дан 0,1 фоизга туширилди. Бу жараёнда 25 нафари доимий ишга жойланди. 302 нафари ўзини ўзи банд қилди. 48 нафарига ер берилди. 30 та микролойиха асосида 60 та янги иш ўрни яратилди. 21 нафар ишсиз фуқаро касбга ўқитилиб, тадбиркорликка йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, изланган, интилган ҳар бир инсоннинг турмуши фаровон, дастурхони тўкин бўляпти.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИЛАНЯПТИ

“Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, Фарғона вилоятида ободонлаштириш ишлари давом этапти.



Ёзёвон туманидаги “Истиқлол” маҳалласига лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 4 млрд. сўм маблағ ажратилган эди. Иккинчи босқичида “Гузарбоши” маҳалласи учун 7 млрд. сўм маблағ тақсимланган.

— Лойиҳа асосида 7 км. замонавий ёпиқ кабелларни тортиш ҳамда бетон таянчлар ўрнатиш, 3 дона янги трансформатор қўйиш режалаштирилган, — дейди маҳалла раиси Аҳлилло Ҳудойберганов. — Ҳозирда амалий ишларга киришилди. “Фарғона йўллардан фойдаланиш” давлат муассасаси асфальтлаш, “Қурилиш зид билдинг” масъулияти чекланган жамияти электр таъминотини яхшилаш ишларини амалга оширмақда.

Умуман, туманда 61 млрд. сўм маблағ ҳисобига жами 110 км. ички йўл асфальтланади, 60 км. электр тармоғи тортилади, учта ижтимоий соҳа объекти таъмирланади.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ТАДБИРКОР УСТАВ ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРА ОЛМАСА...

Шерзод АБДУЛЛАЕВ, Денов тумани:

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимга бир йилдан ўтди. Аммо шу вақт давомида устав фондни шакллантира олмадим. Бундай ҳолатда нима қилишим керак?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу саволингизга Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда жавоб берилган. Қонуннинг 14-моддаси 7-қисмига асосан, жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, бир йилдан ошмайди-ган мuddат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ қиритиши керак.

Мазкур қонуннинг 19-моддаси 3-қисмида жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди (капитали) тўлиқ тўланмаган тақдирда, уни амалда тўланган миқдоргача камайитиришини эълон қилиши лозим. Бундан ташқари, унинг камайитирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Агар устав шакллантиришининг имкони бўлмаса, жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.



МИКРОЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МУАММОЛАР БОР...

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг иштирокчини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорида “еттилик” ходимлари вазифалари белгилаб берилган.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Унга кўра, ҳоким ёрдамчиси маҳалла-ларда микролойихалар манзилли дастурини шакллантиради ва уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади. Утган давр мобайнида соҳада яхши тажриба тупланди.

Аммо маҳаллаларда микролойихаларни амалга ошириш ва лойиҳа пакетларини етказиб бериш жараёнида бир қатор муаммолар кузатилаётгани сир эмас. Ҳоким ёрдамчилари билан суҳбатлашганимизда уларнинг ечимига доир таклифларни билдирди.

Хусусан, Бухоро туманидаги “Деҳча” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Жўрабек

Шаропов маҳалла-ларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган фуқаролар учун мавjud кредит маҳсулотлари ва тартиблари талабга тўлиқ жавоб бермаслигини қайд этди. Мисол учун, нақд шаклдаги олди-бердида нархлар ўртасида катта тафовут бор. Бу — аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва микролойихаларни амалга ошириш жара-

ёнининг секинлашишига сабаб бўляпти. Мутахассис муаммога ечим сифатида, аввало, эҳтиёжманд аҳоли ва тадбиркорларга имтиёзли кредит маблағлари миқдорини ошириш ва уни нақд шаклда бериш зарурлигини таъкидлади. Пировардида, аҳоли тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга рағбат олади.

Зарафшон шахри-

даги “Геолог” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Азамат Абулхайровнинг фикрича, кредит шартларини соддалаштириш лозим. Қарз олиш жараёнини осонлаштириш мақсадида кредит таъминоти сифатида кафилилик ёки суғурта полиси жорий этилса, натижа янада ижобий бўлади.

Муаммоли кредитларга йўл қўймаслик учун қарз олувчилар



Ўзбек-қозоқ чегарасидаги “Навоий” — “Қоплонбек” чегара БОЖХОНА ПОСТИ қайта қурилишдан сўнг очилди.



2024 йил давомида Тошкент метроси 270,3 МИЛЛИОН йўловчини ташиди.



Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Жаҳон банки Қамбарота ГЭС-1 қурилиши лойиҳасини МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

4

№7 | 2025 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

МАНЗАРА



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

IT СОҲАСИГА ҚИЗИҚУВЧИ КЎП, АММО ЎҚУВ КУРСИ ЙЎҚ...



ҳозир бу муаммо ижобий ҳал этилиб, ёшлар бемалол ўйинлар ўтказиши учун сунъий чим қопламали футбол майдони қурилди. Бундан ёшларимиз жуда мамнун.

Мен дуч келган энг қийин яна бир масала — ёшлар ўртасидаги ишсизлик бўлди. Чунки “драйвер”имиз чорвачиликка асосланган бўлиб, 3-4 бош қорамолни боқиб, сотгунча молиявий тарафни яхши ривожлантириб бўлмасди. Шунинг учун қизларни кўпроқ ўқув курсларига йўналтирганмиз. Тикув машиналари олиб бердик. “Устоз-шогирд” тамойилини тарғиб қилиб,

моддий эҳтиёжларини тиклаб, университетга ўқишга кирди. Бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийди, ҳам уйда гилам тўқиб, қизлар сарполари учун кийимлар, аёллар нимчаси тикиб, сотади. Ёнида ёш шогирдлари ундан хунар ўрганиб, ўзлари тиккан кийимлардан фойда кўришади.

Қувонарлиси, маҳалламизда яна 4 та лойиҳа ишга тушиш арафасида. Бу орқали бўш юрган ёшлар энг ками 3-3,5 млн. сўм атрофидаги маошли иш билан таъминланади. Ҳозирда лойиҳалардан бири — қуёш панеллари ўрнатилиши йўлга қўйилган. 2030

ОЛИС ОВУЛ ЙЎЛЛАРИ ОБОД БЎЛДИ

Конимех туманидаги маҳаллалар ва олис овулларда фуқаролар билдирган мурожаатларга асосан, инфра-тузилма масалалари ҳал этиляпти.

“Дўстлик” маҳалласининг Халқлар дўстлиги кўчасида ёғингарчилик пайтида ҳаракатланиш қийин бўларди. Шу боис аҳоли таклифи билан ички йўлларнинг 500 метр қисmini шағаллаш ишлари бажарилди. Шунингдек, ичимлик сув аҳоли хонадонларига етиб боришида муаммо бор эди. Жараёнда эски сув қувурлари янгисига алмаштирилди. Натижада аҳоли нафақат тоза ичимлик сув билан таъминланди, балки ички йўлларда ҳаракатланиш осонлашди. Ҳозирда маҳалланинг Тинчлик кўчасида ҳам ушбу жараёнлар давом этмоқда.

Шу кеча-кундузда туманнинг олис Янгиғазгон овулида ҳам 40 километр ички йўлларни махсус техникалар ёрдамида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу хайрли ишдан кўзланган мақсад — йўллардаги ободликни яхшилаш орқали аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг бугунги кунидан мамнун яшашига шароит ҳозирлашдир.

Сапаргул САПАЕВА, Тупроққалъа туманидаги “Нукус маскани” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаган кунимдаёқ бу вазифа нечоғлик масъулиятли эканини англаганман. Бошида ишлаб кетиш осон бўлмаган. Биринчи навбатда хатлов жараёни мукамал бўлиши керак экан. Қўлингиздаги маълумотингиз аниқ бўлса, муаммога ёндашиш осон кечади. Ёшларнинг муаммоси билан танишиб, хатлов орқали рўйхатга олишимга 3 ой вақт кетган. Аммо кейинчалик йигит-қизлар билан яқиндан танишар эканман, бу қизғин жараёнга қандай қилиб шўнги кетганимни билмай қолдим.

Аввало, илк фаолиятимдаёқ асосий муаммо сифатида спорт йўналишида қийинчиликка дуч келдим. Негаки, маҳалламизда мактабдан бошқа бирорта инфратузилма мавжуд эмас, ёшлар спорт машғулоти билан шуғулланиши учун шароит йўқ эди. Болалар учун кенг далада футбол ташкил этишга мажбур бўлардик. Шу ерда тайёрланишарди. Шундай бўлса-да, шижоатли ёшларимиз туманлараро ДХХ кубогида 3-ўринни қўлга киритишди. Шукрки,

“

МАҲАЛЛАМИЗДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ АЖДОДЛАРИМИЗДАН МЕРОС ҚОЛГАН ХУНАР — ГИЛАМДЎЗЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ.



5 нафар қизни маҳалладаги хунарманд аёлларга йўналтирдик. Ўғил болалар устачилик, курувчиликда ишлаб, меҳнат қилмоқда. Миграция асосида четга ишлашга кетганлар бор. Ҳозирда йигитларни ҳам электр устаси, пайвандчилик курсларида ўқитяпмиз.

Маҳалламиздаги хотин-қизларнинг кўпчилиги аждодларимиздан мерос қолган хунар — гиламдўзлик билан шуғулланади. Туркман гиламларини тўқиб сотишади. Иккита маҳалла бирлашган ҳолда корпорация ташкил этганмиз. 70-80 нафар аёл-қиз ушбу хунарда мохир бўлиб, ундан яхшигина даромад қилишмоқда. Шундай қизимиздан бири Лайло Калбаева хунар ортидан

йилгача шу лойиҳалар амалга ошса, бизда ишсизлик бўйича муаммолар, албатта, ўз ечимини топади.

Бизни қийнаётган масала — ҳозирда маҳалламизда IT соҳаси бўйича бирорта курс ёки ўқув маркази ташкил этилмаган. Замон талабидаги бу йўналишда ёшлар ўртасида талаб юқори. Ёшлар фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, маҳалламизда ушбу замонавий соҳани ривожлантириш керак, деган хулосага келдик. Агар IT учун янги ўқув курслари очилса, илмга чанқоқ йигит-қизларимиз, албатта, бу имкониятдан кенг фойдаланиб, соҳани чуқур ўрганишга киришарди ва ўзлари истаган даромадди ишда фаолият юритишарди.



Оналар ўқимаса, болалар ҳам ўқимайди... (ми?)

Қиз фарзанднинг оилада ўрни бошқача барибир. Ота-оналар ҳам ўз фарзандлари орасида қизларнинг алоҳида эъзозланадигани. Айниқса, ота қизалоғи учун борини беринча тайёр...

Қизларнинг нафақат уйда, балки жамиятда ҳам ана шундай эъзозда

бўлиши учун уларни ўқитиш ва саводли қилиш ҳар бир ота-онанинг фарзидир. Ўзбек миллатининг аёллари барча даврларда илм-фан бўладими, маданият, санъат, спорт соҳаларими, қайси йўналиш бўлмасин, бошқа миллатлардан устувор бўлган. Нодир-рабегим, Жаҳон отин Увайсийларнинг давомчилари бўлмиш гўзал қизларимиз илму фазлда аждодларига муносиб равишда доимо изланишда бўлиши даркор.

Аммо кўплаб кузатувларимиз натижасида шуни айтиш мумкинки, айрим оила-

лар ёш қизларни 7-8-синф-лигидан ўқишга жиддий эътибор қаратиши шарт эмаслиги, кўпроқ таом тайёрлашни ўрганиши, тиқиш-би-чишни билиши, рўзгор туту-мида эп-ли бўлса, шунинг ўзи етарли эканини таъкидлайди. Бу нотўғри, албатта. “Сен замонга боқмасанг, замон сенга боқади”, деган гап бор. Ҳозирги давр ҳар бир кишидан ўқишни, илм олишни, ўз иқтидорини намоён этишни талаб қилмоқда. Ахир қизларимиз ўқимаса, илмга қизиқмаса, улар эртага фарзандларини қандай қилиб

камол топтиради?

Биргина мисол: бугунги дарсликлар содда, жўн эмас. Замон талабларига мос равишда ўзига хос мураккаб. Ота оила ташвишида ризқ топиш илинжида кўчада бўлганда, она фарзанд билан кўпроқ вақт ўтказида ва тарбиясида масъуллиги ортироқ бўлади. Бола мактаб дарсликларини ўзлаштиришда қийналаётган бир пайтда она унга кўмаклаша олмаса, унинг саволларига қандай жавоб беришни билмаса, бу бола келажақда етук шахс бўла оладими?.

Қизларни фақат хунар билан, уй-рўзгор ташвишлари билан банд қилмай, уларнинг қўлларига китоб тутказайлик. Бир ҳақиқатни тан олайлик, агар эр киши илм олмаса, бир оила қийналиши мумкин, агар аёл илмли бўлмаса, бутун жамият, миллат тақдирини хавф остида бўлади.

Хатто жадидлар, илмнинг фидойилари ҳам жамият аёлларини ўқишга, зиёли бўлишга чақирганлар. Шундай илм фузалоларидан бири Мухаммад Шариф Сўфизода “Ўқинг оналар!”, деб элга жар солди, аёлларни илм ўчоғини ёқиб чақирди:

Миллати исломиянинг бонуси,
Ўзбек элининг қорақўз оҳуси.
Кар қилур бир кун жаҳл оғуси,
Илму амал ушбу касал доруси.
Қумри билан булбулу бедоналар,
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг, оналар.

Фарзандларимизнинг келажаги порлоқ, илму урфонда тенгги йўқ шахс бўлиб етишида бир кун келиб оналик мақомини оладиган илми қизларимизнинг ўрни нечоғлик беқиёс эканини англаш қийин эмас. Шундай экан, қизларни катта ҳаётга тайёрлаш олдидан уларда китобга меҳр, илмга муҳаббат уйғотишни қанда қилмайлик.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“СУДЛАНГАНЛИК ОЛИБ ТАШЛАНДИ, АММО ҲАМОН НАЗОРАТДАМАН”

Тоҳир МАҲКАМОВ, Чирчиқ тумани:

Абусаид ҲОЖИЕВ, адвокат, юрист:

— Яқинда суднинг қарори билан судланганим бекор бўлди. Аммо шунда ҳам профилактика инспектори савол-жавоб қилиб, оила аъзоларимни батафсил суриштирди. Шахсимни тасдиқловчи гувоҳномадан нуска сўради. У бунга ҳақлими?

— Йўқ, бу ҳолатда судлангани олиб ташланган шахснинг уйига келиб, бундай ҳаракатларни амалга ошириш нотўғри.

Президентнинг 2017 йил 18 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида”ги Низомнинг 4-бобида профилактика инспекторларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланган. Хусусан, Низомнинг 14-бандида профилактика инспекторларининг ҳуқуқлари келтирилган. Лекин улар қаторида сиздаги вазиятга мос келадиган ҳуқуқ мавжуд эмас.

Шундай экан, бу ҳолатда унинг ҳаракатлари устидан туман прокуратурасига шикоят қилишингиз мумкин.





СТАТИСТИКА АГНЕТЛИГИ: ўтган йили республикада ўртача ойлик миқдори 5,3 млн. сўмни ташкил қилган.



Болалар учун “ЯШИЛ МАКОН” анимацион мультфильми яратилди.



Ўтган йилда банклардаги жами МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР қолдиғи қарийб 21,2 триллион сўмга етди.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ИЖТИМОИЙ СОЛИҚДАН КИМЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ?

Бугунги кунда тадбиркорлар учун солиқ соҳасида кўплаб имтиёзлар мавжуд. Масалан, 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январгача камбағал оила аъзоларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси бир фоиз қўлланилади.

Бунинг шарти шундаки, ишга қабул қилинган камбағал оила аъзосининг ойлиги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баравари (1 732 500 сўм)дан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябргача касбга ўргатиш учун мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчиларини (30 ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари **ижтимоий солиқдан озод қилинади**. 2030 йил 1 январгача чет эл ўқитувчилари ва мутахассисларини ишга қабул қилган тадбиркорлар ҳам. Бундан ташқари тадбиркорларга **ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни иш билан таъминлагани учун барқарорлик рейтингига балл берилади**. Агар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар жами ходимлар улушида:

- ✓ 10-20 фоиз бўлса – 5 балл;
- ✓ 20 фоиздан ортиқ бўлса – 10 балл берилади.

Бу жараёнда:

- ✓ *Ижтимоий ҳимоя ягона реестри;*
- ✓ *“Темир дафтар”;*
- ✓ *“Аёллар дафтари”;*
- ✓ *“Ёшлар дафтари”;*
- ✓ *Ноҳиянинг бўлган шахслар киради.*



Бундай ҳолатда тадбиркорлар ҳар бир ходими учун ойига 1 меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ортиқ (1 155 000 сўм) маош тўлашлари керак. Бугунги кунга қадар **ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга олгани учун 58 458 та тадбиркорга рағбатлантирувчи балл берилган**. Тадбиркорлар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар рўйхатини **ip.ihma.uz** орқали ариза юбориб кўриши мумкин. Шунингдек, тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноатидаги ишлаб чиқарувчилар Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестридаги фуқароларни иш билан таъминлаганда **фойда солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини 1 фоиз ставкада тўлайди**.

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

СОЛИҚЧИ – КўМАКЧИ

34 ТА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИГА 1,7 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ ТУШДИ



Ҳақимжон ФОЗИЛОВ, Жиззах вилояти солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

Жиззах шаҳридаги 34 та маҳаллага бириктирилган 28 нафар солиқ инспектори ўз фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун ҳар бир солиқ тўловчига ёрдам кўрсатяпти. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали солиқларни ундириш, солиқ базасини кенгайтириш ва маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш йўналишида сезиларли ютуқларга эришяпти. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, солиқ инспекторларининг маҳаллаларга туширилиши натижасида ўтган йили Жиззах шаҳри бўйича 131 миллиард 217 миллион 500 минг сўм солиқ тушуми ундирилган. Бу 2023 йилга нисбатан 42 миллион 680 миллион 800 минг сўмга, яъни 148 фоиз кўпдир. “Маҳаллабай” ишлаш асосида барча тушумлар, жумладан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи 223 фоизга, тадбиркорлардан қатъий белгиланган солиқ тушуми 120 фоизга ўсган. Солиқ тушумларнинг 10 фоизи, яъни 1 747,3 млн. сўм маҳаллалар бюджетига ўтказилиб, янгиликлар иқтисодиёти мустаҳкамланяпти. Бу эса янги ижтимоий лойи-

ҳаларни амалга ошириш имконини берапти.

Шунингдек, “Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида солиқ инспекторлари ёрдамида 2 222 нафар норасмий ишчи-ҳодимнинг фаолияти қонунийлаштирилиб, бюджетга қўшимча 1 050,3 миллион сўм тушум ундирилди. Фаолиятини вақтинчалик тўхтатган 426 нафар тадбиркорлик субъекти қайта иш бошлашига кўмаклашилди. 1 314 та янги ҳўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинди, солиқ тўлашга ўтди. Бу жараёнларда **Жиззах шаҳридаги “Тинчлик” ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллалар солиқ инспектори Ширин Фозиловнинг** ўрни алоҳида. Икки ойдириқ, “КР” баҳолаш тизими бўйича юқори натижага эришмоқда. У Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси билан тақдирланиб, қўшимча пул мукофотига эга бўлди.

– Менга бириктирилган ҳар икки маҳалла Жиззах шаҳридаги марказий деҳқон бозори ёнида жойлашгани учун тадбиркорлик кенг ривожланган, – дейди **“Тинчлик” ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллалар солиқ инспектори Ширин Фозилов**. – Шу боис аҳолига берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, тадбиркорлик билан қонуний шуғулланишларини, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари

кераклигини тушунириб бораётган. Фаолиятлари билан боғлиқ муаммоларига биргаликда ечим излаяпмиз. Бироқ зўрч қурмакисиз бўлмайди деганларидек, ўтган йили хатлов жараёнида 20 нафар ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркор янидан рўйхатдан ўтказилди. 5 та корхонада норасмий ишлаётган 4 нафар фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 6 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини тиклади.

Бугунги кунда мазкур маҳаллаларда 61 та юридик шахс, 570 нафар яққа тартибда тадбиркор, 1 129 нафар ер ва 1 176 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. 995 нафар фуқаро турли йўналишларда ўзини ўзи банд қилиб, даромад тоپляпти. Ўтган йил жисмоний шахсларнинг биринчи тураржой объектлари ҳисобидан 226,8 млн. сўм солиқ ундирилди.

Жиззах шаҳридаги барча солиқ инспекторлари “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали тадбиркорлар ва солиқ тўловчиларга ўз вақтида маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатяпти. Қувонарлиси, бу тизим шаҳарнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиб билан бирга, солиқ тўловчилар учун янада қулай ва шаффоф муҳит яратяпти.



ИМКОНИЯТ

ТОМОРҚА ИШСИЗ ХОНАДОНГА БАРАКА КЕЛТИРЯПТИ

Илгари кўплаб хонадон соҳиблари ўз томорқасининг бўш турмаслиги учун маккажўхори ва беда экиб, банд қилишар, рўзғорига керакли бўлган полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари учун бозорга югуришарди.

Бобур САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шовот тумани бўлими бош мутахассиси.

Бугун томорқа даромад манбаига айланди, ишсиз аҳолини ишли қилиб, оиласига барака келтиряпти.

Айниқса, “Сайхунобод тажрибаси” шовотликларнинг турмуш даражасини юксалтирди. Бу ташаббус тумандаги барча маҳаллаларда кенг жорий этиляпти. Биргина “Қўнғуз” маҳалласида яшовчи Иноят Сариев оиласи билан томорқадан унумли фойдаланиб, иссиқхона ташкил этди. Унда ҳар мавсумга мос турли полиз маҳсулотлари парваришланяпти. Ҳозир бодринг, помидор, бақлажон, қарам, бўлғор қалампери ва кўкатлар етиштирмоқда. Сариевлар оиласи очик томорқасида чорвачиликдан ташқари, олма, ўрин, шафтоли, нок, гилос ва тут каби мевали дарахтлар экиб, яхши ҳосил оляпти. Кўчатчилик бобида маҳалладошларига тажриба мактабини ўтамоқда. Ушбу маҳаллада истиқомат қи-



лаётган Умирбек Одомов турмуш ўртоғи ва синглиси билан деҳқончилик ва чорвачилик ишларида банд. Хонадоннинг 300 м² майдонида иссиқхона ташкил этилган. Унда лимон, бодринг, помидор ва турли хил кўкатлар баравж ривожланяпти. Бундан ташқари, 6 та чорва моли, 15 бош қўйи, 45 та ўрдаги бор. Ҳовлисида олма, ўрик, шафтоли, нок, гилос, узум ва тут кўчатларини етиштириб, қўшимча даромад топяпти.

Тан олиш керакки, “Сайхун-обод тажрибаси” деб эътироф этилган бу ҳаракатга дастлаб шўбха билан қаровчилар бор эди. Бироқ аҳоли ўртасидаги тушунтириш ва уларнинг бу ҳаракат истиқболига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бесамар кетмади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

187,5 МЛН. СЎМ ЎТКАЗИЛСА, КАРТА БЛОКЛАНАДИМИ?

Ўткир ТўРАЕВ, Тошкент вилояти:

– Эшитишимча, пластик картадан банк мобил иловаси ёрдамида кўп пул ўтказмалари амалга оширилса, карта блокланар экан. Айтингчи, банк картадан орқали қанча миқдорда пул ўтказмаларини амалга оширсам, карта фаолияти чекланади?

Акмал НАЗАРОВ, Марказий банк департаменти директори:

– Ички назорат қоидаларига кўра, миқдорнинг банк картасидан банк мобил иловаси орқали бир вақтда ёки кўп маротаба – 30 кундан ошмаган муддат давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг (бугунги кунда 187,5 млн. сўм) ёки ундан ошадиган умумий

суммада пул маблағларини бир ёки бир неча банк карталарига (электрон ҳамёнларга) ўтказилиши ёки келиб тушиши шўбҳали операциялар деб тавсифланади.

Шўбҳали операция ҳақидаги хабар банкларнинг Ички назорат хизма-

ти томонидан Вазирилар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ, махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Мазкур ҳолатда банклар миқозларининг карталарини автоматик равишда блок-

ламайди. Бироқ бундай амалиётларни доимий бажариб келаётган миқоз юқори хавф сифатида баҳолалиб, унинг пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари банк томонидан лозим даражада текширилади. Миқоз амалга ошираётган операциялар ва маблағлар қонунийлиги бўйича ахборотлар тақ-





2024 йил
Ўзбекистонда
4 900 нафардан ортиқ
мансабдор шахс
ЖИНОИЙ
ЖАВОБГАРЛИККА
тортилди.



Травматология ва
ортопедия марказида
РОБОТ ЖАРРОҲЛИГИ
жорий этилади.



Ўзбекистоннинг маданий
ва тарихий меросини
оммалаштиришга
қаратилган
ҚЎШМА РЕКЛАМА
КАМПАНИЯЛАРИ
ташkil этилади.

ЖАРАЁН

Маҳаллаларда тинч ва хавфсиз муҳит яратилади



Президентнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига кўра, жорий йил ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ўсқувор вазифа этиб белгиланди.



Рустам ЮСУПОВ
тайёрлади.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобо-жонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳудудларда мазкур қарор ижросини таъминлаш чораларини кўрмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида бўлиб, дастлаб Қарши давлат университетида прокуратура, Миллий гвардия ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг масъулари, секторлар раҳбарлари иштирокида “қизил” тоифадаги “Чўлуқвар”, “Шайхали” ва Алишер Навоий номидаги маҳаллаларнинг “еттилик” аъзолари билан ўтказган йиғилишда қарорнинг мазмун-

моҳиятини етказди. Унда кримноген вазиятни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, “қизил” тоифадаги маҳаллаларда “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз йўлак”ларни ташкил қилиш, видеокамералар ўрнатиш ҳамда вазиятни назорат қилиш учун профилактика инспектори ва ички ишлар бошқармаси вазиятлар марказига интеграция қилиш, кўп қаватли уйларнинг йўлақлар кириш эшикларига замонавий домофонларни ўрнатиш, ушбу йўналишдаги ишларни назорат қилиш учун маҳалла-туман-вилоятлар кесимида масъуллар бириктирилгани қайд этилди.

Қарши тумани
Болалар мусиқа ва

санъат мактабида давом этган учрашувда “қизил” тоифадаги “Боғобод”, “Чароғил”, “Кат” маҳаллаларида жиноятларнинг олдини олиш борасидаги вазият таҳлил этилиб, кримноген вазиятни яхшилашга қаратилган аниқ манзилли тадбирлар белгиланди. Масъулларга ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини “Йўл харитаси” асосида тўлиқ ижро этилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш, фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, республика ишчи гуруҳи аъзолари кичик гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг барча шахар ва туманларида қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ижросини таъминлаш чораларини кўрди. **Вилоятдаги 832 та маҳалла кесимида “йўл хариталари” тасдиқланиб, 137 та “қизил” тоифадаги кримноген вазияти оғир маҳаллалар** барча сектор раҳбарларига, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ва ички ишлар органлари бошлиқларига номма-ном бириктирилди. Уларнинг иш натижадорлиги ҳар ой якунида – Ички ишлар вазири, ҳар чорак якунида – Бош прокурор ҳамда ҳар ярим йилда

Бош вазир ҳузурида муҳокама қилиниши режалаштирилди. Яқкабоғ туманидаги “Айғиркўл” маҳалласида намунали хавфсиз йўлак ҳамда Кўқдала туманидаги “Хўжаобод” маҳалласида намунали хавфсиз кўча яратилди.

Якуний ҳисобот йиғилишида муҳим вазифалар белгиланиб, Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи ва унинг Қашқадарё вилояти бўйича таркиби тўзилди, масъул давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари 2025 йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси бўйича маҳалла – туман – вилоят кесимида бириктирилди ҳамда жавобгарлик юзасидан огоҳлантирилди.

Шунингдек, қарор билан янги ташкил этилаётган профилактика кичик инспектори, миграцион профилактика бўлинималари, туманлараро маъмурий конвой ва маъмурий амалиёт гуруҳлари ҳамда профилактика бош инспектори лавозимларини жорий қилиш ва тегишли штат бирликларини шакллантириш бўйича вазифалар юклатилди. Тадбир жараёнида масъулларнинг ахборотлари тингланб, билдирилган тақлифлар ижрога қаратилди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ манзилли ишлар белгиланди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“КУНЛИК МУЛОҚОТ САБАБ, “ЯШИЛ” ТОИФАДАМИЗ”

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонунбузарликларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш – асосий вазифамиз.



Бахтиёр АМЕТОВ,
Мўйноқ туманидаги
“Жайхун” маҳалласи
профилактика инспектори,
лейтенант.

музейга бориб, ўтмишидан хабардор бўлади. Маданият марказида истеъдоди ва маҳоратини шакллантиради.

Спорт мактабида уюлмаган ёшлар учун “Аран” фитнес клуби ташкил этилган. Чемпионларимиз кўп. Биргина волейбол бўйича хотин-қизлар жамоаси “Ички ишлар вазири кубоги” чемпио-натининг республика босқичида муваффақиятли қатнашди. Миллий кураш, футбол мусобақасида фахрли ўринларни эгаллаб келяпти. Ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирларни мунтазаб ўтказиб келяпмиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича кўчаларга тунги ёритгич чироклари ва замонавий видеокузатув қурilmалари ўрнатиляпти. Бу борада Россияда ишлаб юрган маҳалладошимиз Аманбай Тангирбергенов ташаббус кўрсатиб, ўз маблағи эвазига ўтеш шoir кўчасидаги 10 та бетон устунга кўеш панели ёрдамида ёритиладиган тунги чироклар ўрнатди. Тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этиб, бемақсад юрган ёшлар билан манзилли ишляпмиз. Зарур ҳолларда ота-онасини чакиртириб, огоҳлантириш берилляпти.

Дейрли ҳар куни тунга қадар аҳоли билан мулоқотда бўлиб, уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантириб, жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтиряпмиз. Бирор муаммоли масала бўлса, жойида ҳал этамиз. Ана шу иш тажрибам сабаб икки йилдан буён “яшил” тоифадамыз.

Жорий йилда режалар кўп. Аввало, юқорида белгиланган “йўл харитаси” ижросини таъминлаб, қолган кўчаларга тунги чироклар ва видеокузатув қурilmалар ўрнатамиз.

НАТИЖА



Интенсив усулда балиқ етиштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳар бир аёл даромадли, истикқболли меҳнат билан банд

Президентнинг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг ўсқувор йўналишларни тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида Хоразм вилояти маҳаллаларида кўчлаб амалий ишлар қилинмоқда.

Латофат ЮСУПОВА,
журналист.

Урганч туманидаги “Хидоят” маҳалласида истиқомат қилаётган икки минг нафардан зиёд аҳолининг асосий даромади паррандачиликдир. Чунки паррандачилик истиқболли соҳа бўлиб, қизиқарли, осон ва фойдалидир. Шу боис маҳаллада кўплаб хонадонларда парранда боқилляпти. Ушбу маҳаллада яшовчи Санобар Саъдуллаева ўз қизқизи сабаб паррандачилик билан шуғулланиб келяпти. – Ишнинг тўрт мавсумида ҳам жўжа парвариши билан шуғулланаман, – дейди Санобар Саъдуллаева. – Асосан, тухум ва гўшт етиштириш учун боқаман. Даромади яхши. Фарзандларимнинг



ҳаммаси ўқимишли, ўз касбига эга. Лекин бўш вақтларида паррандачилик билан шуғулланади. Бу оиламиз учун қўшимча даромад манбаи.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида интенсив усулда балиқ етиштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу жараёнда балиқ етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда



аҳоли хонадонларига балиқчилик учун зарур жиҳозлар, кичик ҳажмдаги пластик ҳовуз етказиб берилди. Балиқ етиштиришга қаратилган лойиҳалар молиялаштирилди.



Натижада кўплаб маҳалла-ларда интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилди. Бу нафақат балиқ етиштириш ҳажмини оширишга, балки аҳоли бандлигини таъминлаш,

оилалар даромади ва турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам берляпти. – Утган йили корпоратив усулда ишлаб, маҳалладаги 8 нафар фуқарога май ойида 3000 тагача балиқ чавоқла-



рини етказиб бердик, – дейди “Хидоят” маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Расулбек Ҳошимов. – Кузда ўзимиз тайёр балиқларни сотиб олиб, уларни даромадли

қилишга ҳисса қўйдик. Яқинда 1 гектар ер майдонига эза бўлдик. У ерда балиқ чавоқларини етиштирмакчимиз. Бу йил корпоратив усулда ишлаб, 30 нафаргача фуқаро бандлигини таъминлашга ҳисса қўшамиз. Мақсадимиз – сазан, илон бош, учар балиқларини арзон нархларда халқимиз дастурхонига етказишдир.

Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир фуқароларнинг долзарб муаммолари “хонадонбай” ўрганишлар натижасида ҳал этилмоқда. “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган ишсиз хотин-қизларга субсидия асосида тикув машинаси берилляпти. Натижада ҳар бир аёл ўзини ўзи банд қилиб, оиласига қўшимча даромад келтиряпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишдаги хайрли ишлар давом этмоқда.



СТАТИСТИКА
АГЕНТЛИГИ:
Ўзбекистон аҳолиси
37 миллион 543,2 минг
кишига етди.



Янги қонун
лойиҳаси билан
алкоголь ва тамаки
бозорини тартибга
солишнинг қонуний
асослари яратилади.



Портлаш хавфи
бўлган муҳитларда
ишлатиладиган асбоб-
ускуналар хавфсизлиги
бўйича янги ТЕХНИК
РЕГЛАМЕНТ тасдиқланди.

Mahalla

№7 | 2025 йил 29 январь, Чоршанба

7

● Маҳалла тизимида иш бошлаганимдан буён ҳар куни турфа тақдир ва кечмишларга гувоҳ бўлиб келяпман. Айримлар моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлса, бошқалар оила аъзолари билан муроа қилиб яшашга қийналади. Энг муҳим жиҳати, уларнинг ҳар бирига муносиб тарзда муомала қилиш, муаммоларига ечим топишда кўмаклашиш керак.

Ногиронлик гуруҳини тайинлаш бўйича назорат ўрнатилса...

● Аввалига бу бироз қийиндек туюлади. Лекин мурожаатчи билан кўпроқ суҳбатлашиб, масаланинг моҳиятини англаб етганимиз сари жуда оддий ва осон экани аён бўлади.

Дилдорахон ОЛИМЖОНОВА,
Олтиариқ туманидаги "Дўстлик"
маҳалласи ижтимоий ходими.

Уч-тўрт ой муқаддам маҳалламизда истиқомат қиладиган бир аёл идорамизга ёрдам сўраб келди. Тингласам, дарди жуда кўп экан. Турмуш ўртоғи ўғил фарзанди йўқлиги боис уйдан ҳайдаб юборибди. Қўлида бир яшар чақалоғи, 3 ёшли қизини етаклаб олган. Яна мактабга борадиган 2 нафар фарзанди ҳам ёнида. Ота уйига йиғлаб борса, ўғай онаси оstonадан киритмабди. Аёлни бу қийин вазиятдан олиб чиқиш мақсадида ижара асосида уй топиб бердик. "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағла-

ри ҳисобидан уч ойлик тўлови амалга оширилди. Кичик ёшдаги қизларини имтиёзли равишда хусусий боғчага, ўзини савдо мажмуасига оператор сифатида ишга жойлаштирдик. Фарзандлари учун болалар нафақаси тайинланди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, аёлни турмуш ўртоғи идорага келиб, оиласини тиклаш нияти борлигини билдирди. Шундан кейин фуқарони ёнимизга олиб, фарзандлари учун ота кераклигини яхшилаб тушунтирдик. Бугунги қарори билан уларнинг келажагини ҳал қилаётганини англаб етгач, эрининг ҳатоларини кечирди. Ҳозирги кунда оила тўла-тўқис, биргаликда бахтли яшаяпти. Кўрсатилган хизматлар сабаб аёл жамиятда ўз ўрнини ва ишини топишга эришди.

Айни кунларда яна бир шунга

ўхшаш оғир кунларни бошдан кечи-
раётган фуқарога ёрдам кўрсат-
япмиз. Ўзи маҳалламиздан бошқа
худудга келин бўлиб узатилган.
Уч нафар ўғли бор. Турмуш ўртоғи
оғир хасталик сабаб хотирасини
йўқотгач, унинг синглиси улар
яшаб турган уйни ўзининг номига
расмийлаштириб олади. Ота уйи-
да яшаётган акаси ва келиноийси
бирга яшашни исташмади. Ҳозир-
да маҳалламиздаги боғча худуди-
да истиқомат қилиб келяпти. Улар-
нинг шароитини бироз бўлса-да,
яхшилаш мақсадида ижарага уй
қидиряпмиз. Кейинчалик отаси-
нинг номида бўлган хонадондан
улуш ажратиш масаласида судга
ариза киритмоқчимиз.

Иш жараёнида турли хил
вазиятларга гувоҳ бўламиз. Айрим
вақтлар ҳақиқатан муҳтож, имко-
нияти чекланган фуқаролар ноги-
ронлик гуруҳига чиқолмай сарсон



Инсонларнинг дарду
ҳасратларини тинглаш,
уларга хурсандчилик
улашиш осон иш эмас.
Айниқса, суҳбатдошинг
ижтимоий ҳимояга муҳтож
кўнгли ярим инсон бўлса.

бўлиб юришади. Ўзига тўқ, шароити
яхши кишиларнинг бу масалада
иши жуда тез ҳал бўлаётганини
қўриб ҳайрон қоламан. Шу маъно-
да тиббиёт ходимларининг ҳолис
ва адолатли тарзда иш юритиши-
ни хоҳлаган бўлардим. Эҳтимол,
бу бўйича қандайдир назорат
тизими ўрнатиш керакдир...

Инсонларнинг дарду ҳасрат-

ларини тинглаш, уларга хурсанд-
чилик улашиш осон иш эмас.
Айниқса, суҳбатдошинг ижтимоий
ҳимояга муҳтож, кўнгли ярим
инсон бўлса. Бунинг учун ҳар
биримиз одамларни тинглай
оладиган, дардига шерик бўлиб,
оғирини енгил қила оладиган ўз
қасбининг жонкуяри бўлишимиз
талаб этилади.

“Оналар маскани”да қандай хизматлар кўрсатилади?

М.МИРХОЛИҚОВА, Бухоро вилояти:
— Яқинда “Оналар маскани” фаолияти ташкил
этилиши ҳақида эшитиб қолдим. У ерга қимлар қабул
қилинади ва қандай хизматлар кўрсатилади?



МЕНДА САВОЛ БОР...

Нутфулло АСЛОНОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси
шўба мудири:

— Қонунчиликка кўра, 2025 йил 1 феврал-
дан оғир ҳаётий вазиятда ва яқин қарин-
дошлари кўмагисиз қолганлиги натижасида
фарзандини тарбиялашдан воз кечмоқчи
бўлган оналар, шу жумладан, ҳомиладор аёл-
лар учун болалар уйларида “Оналар маска-
ни” хизмати йўлга қўйилади.

“Оналар маскани”да оғир ҳаётий вазиятга
тушиб қолган оналар ва уларнинг болалари
(4 ёшга тўлмаган) 1 йилгача бўлган муддат-
га ижтимоий шартнома асосида вақтинча
бошпана билан таъминланади.

Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган она-
ларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиб-
бий хизматлар кўрсатилади, уларда оналик
ва касбий кўникмалар шакллантирилади.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари
оналарнинг касб-хунар эгаллаши ва бандли-
гини таъминлашга кўмаклашади.

Сурхондарё
вилояти Шўрчи
туманидаги
"Какан"
маҳалласида
786 та хонадон
бор. Аҳоли
сони эса 4 минг
653 нафарни
ташкил этади.



Нигина ШОЕВА,
журналист.

Ернинг тафти ва зийнати унга меҳр берганники

Дехқончилик ва чорва-
чилик "драйвер"ига
асосланган бу ҳудудда 42 та
иссиқхона мавжуд. 2024 йил
давомида мазкур фаолиятни
ташқил қилиш, деҳқончиликни
ривожлантириш мақсадида 33 та
оиллага имтиёзли кредит берил-
ган. Натижада аҳолининг акса-
рият қисми ерга ишлов бериб,

рўзгорига барака киритмоқда.
Маҳалла фуқаролар йиғинида
"Камбағалликдан фаровонлик
сари" дастури ижроси доирасида
қўзиқорин етиштириш йўлга қў-
йилди. Бу соҳа орқали каттагина
даромад топиш, яхшигина бизнес
қилиш мумкинлиги амалда ўз
исботини топмоқда.

— Маҳалламиздаги 5 хона-
донда қўзиқориннинг "вешенка"
навини етиштиришни йўлга

қўйдик, — дейди хотин-қизлар
фаоли Зумрад Холбоева. — Бу нав
жуда фойдали ва оқсилга бой. Ха-
ридорлари ҳам кўп. У 27-28 кунда
ҳосилга кириб, бир ой нари бе-
рисида тулук пишиб етилади.
Битта 2 килограмм чиқат
пўчоғи солинган қопга жойланган
қўзиқорин уруғлари ўртача 10-
12 килограммгача ҳосил беради.
Афзаллик томони, уни йил 12 ой
давомида етиштириб, йилига

4-5 мартаба даромад олса
бўлади.


Мазкур қўзиқорин навла-
ри умуман мавсум танламай-
ди, улар полиэтилен қопча-
ларда етиштирилмоқда.

— Иссиқхонамизга турли
хил кўкат уруғларини сепдик,
— дейди Насиба Эшонқулова.

— Оиламизга бириктирилган
маҳалла вакиллари яқиндан
кўмаклашишмоқда. 50 дона
махсус озуқабоп қопчаларга
жойлаштирилган қўзиқорин
олиб келишди. Имтиёзли
равишда иссиқхона куриб
беришди. Кунда-кунора
муаммоларимизни тинг-
лаб, бартараф этиш учун
яқиндан ёрдам беришмоқда.
Турмуш ўртоғим билан бирга
мавсумий далада ишлаймиз.
Икки нафар фарзандимизни
уйли-жойли қилган бўлсак, 5
нафар фарзандимиз мактаб-
га боради. Деҳқончилик қилиб,
рўзгоримизни обод қилишга
ҳаракат қилияпмиз. Келгусида
қўзиқорин парваришини яхши
ўзлаштириб олсак, томорқа-
миздаги иссиқхонада ҳам
етиштиришимиз.

Албатта, изланган, меҳнат
қилган ҳар бир инсон рўзго-
рининг ободлиги, дастурхо-
нининг тўқинлиги учун ҳара-
кат қилади. Тажриба сифати-
да қўзиқорин етиштираётган
каканлик оила вакиллари
сифатли ва мўл ҳосил олиш-
ни, меҳнати орқали даромад
қилишни мақсад қилган.

МАНЗАРА



ТАҚДИРЛАР

Шофирконлик
Александра билан бир
марта суҳбатлашишнинг
ўзи етади. Дарров бу
қизга меҳрингиз тушади.
Ундаги қувноқлик,
самимий табассум сизга
ҳам таъсир қилади.

Мақсадлари улкан, ҳаракатлари илдам қиз

Айни дамда Хўжа Ориф но-
мидаги маҳаллада бўвиси
ва амакиси билан яшаб
келаётган қаҳрамонимиз
миздаги иссиқхонада ҳам
етиштиришимиз.

Албатта, изланган, меҳнат
қилган ҳар бир инсон рўзго-
рининг ободлиги, дастурхо-
нининг тўқинлиги учун ҳара-
кат қилади. Тажриба сифати-
да қўзиқорин етиштираётган
каканлик оила вакиллари
сифатли ва мўл ҳосил олиш-
ни, меҳнати орқали даромад
қилишни мақсад қилган.

Исоқова. — Илм олиш йўлидаги
ҳаракатларим қўлаб-қувватланди.
Жамиятнинг фаол аъзосига айлан-
дим. Орзуларим аста-секин амалга
ошмоқда.

Александра онлайн ва оффлайн
тўғрақларда иштирок этиб, инглиз
тилидан махсус сертификатни қўлга
киритди. "Инсон" волонтерлари кўма-
гида кириш имтиҳонларида иштирок
этиб, олий таълим муассасаси та-
лабасига айланди. "Инсон" маркази
берган электрон юритмали аравача
унинг дарс жараёнларида бориб-ке-
лишида, курсдошлари билан тала-
балик гаштини суришида беминнат
кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва
Индонезия
ОТ СПОРТИ
бўйича ўзаро
ҳамкорлик
қилади.

ТЕННИС БЎЙИЧА
Ўзбекистон эркак-
лар терма жамоа-
си “Дэвис кубоги”
плей-офф босқи-
чида Босния ва
Герцеговина билан
рақобатлашади.

ФУТБОЛ БЎЙИЧА

Ўзбекистон миллий
терма жамоаси
Қатарда ўтказилган
Иорданияга қарши
назорат ўйинида
дуранг қайд этди.

БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

СУВЧЕЧАК

КАТТА ЁШЛИЛАРДА ОҒИР КЕЧАДИ

Сувчечак, асосан, болалик даврида учрайдиган юқумли касаллик бўлиб, у одатда енгил шаклда ўтади. Аммо катталар ушбу хасталикка чалинганда уларда турли оғир асоратлар кузатилади. Айрим ҳолларда эса беморни шошилиш тарзда шифохонага ётқизиш зарурати ҳам туғилиши мумкин.

Гулноза ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар 1-сон
юқумли касалликлар
клиник шифохонаси
бош шифокори.

Хўш, сувчечакнинг ёши катта беморларда оғирроқ кечи-
шининг сабаби нимада?
Дарҳақиқат, кўзғатувчиси
“Varicella-zoster” вируси бўлган
ушбу касаллик ҳаво-томчи йўли
билан юқади. Касалликнинг юқум-
лилиқ даври 1 ҳафтадан 3 ҳафта-
гача давом этиши мумкин.
Касаллик аломатлари дар-
ров намоён бўлмайди. Дастлаб,
беморда иситма, ҳолсизлик, бадан
қақшаши, бош оғриғи, кўнгил
айниши каби умумий белгилар
кузатилади. Кейин эса бутун тана

бўйлаб қизил ва пушти дончалар
пайдо бўлиб, улар суюқлик билан
тўлган пуфакчаларга айланади.
Сўнг пуфакчалар қаттиқлашиб,
юзак қобиқ шаклланади.
Танадаги тошмалар болаларда
5-7 кун, катталарда эса 14 кун-
гача сакланиши мумкин. Беморга
сувчечак ташхиси қўйилгач, уни
зудлик билан соғлом одамлардан
ажратиш керак.
Ёши катта беморларда касал-
ликнинг оғир кечишига асосий
сабаб иммун тизимидаги фарқдир.
Болаларда иммунитет ҳали тўлиқ

шакланмаган бўлади ва орга-
низм турли юқумли хасталикларга
қарши самаралироқ курашади.
Ёш ўтган сари иммунитетнинг
пасайиб бориши ҳамда антита-
началарнинг камайиши туфайли
эса организм ўзи учун номаълум
бўлган янги вирусларга қарши
курашишга қийналади.
Хасталик аломатлари катта
ёшдаги беморларда кучлироқ
намоён бўлиб, пневмония, мия
яллиғланиши каби жиддий
асоратларни келтириб чиқариши
мумкин.

Турли сурункали касалликлар,
руҳий зўриқиш, носоғлом турмуш
тарзи каби омиллар ҳам хасталик
ривожланишига таъсир кўрсатади.
Бунда, айниқса, ҳомилдорлар,
кексалар, иммун тизими заифлаш-
ган инсонлар асосий хавф гуруҳи-
га киради.
Одатда, сувчечак билан бир
марта касалланган инсонда унга
қарши иммунитет шаклланади.
Шунга қарамасдан, профилактика
тариқасида, биринчи навбатда,
ушбу вирусдан эмланиш, гигиена
қоидаларига риоя қилиш лозим.

!!!

Сувчечак ташхиси
қўйилгач, беморни
зудлик билан соғлом
одамлардан ажратиш
керак.

ҲИДОЯТ САРИ

Жаҳонгир АҚБАРОВ,
Тошкент вилояти:
— 2022 йилда ишлаб чиқарилган
“Cobalt” автомобилни 2014 йил-
ги ҳудди шу русумдаги машинага
қўшимча пул олиб алмаштириш
мумкинми?



БИР ХИЛ АВТОМОБИЛНИ АЛМАШИШ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази:

— Савдо нақд кўринишда бўлса,
моделли бир хил автомашиналар-
ни устига пул олиб айирбошлаш
жоиз. Лекин бу савдо насия шакл-
да бўлса, жоиз бўлмайди, рибо
ҳосил бўлади. Чунки автомашина-
ларнинг жинси (моделли) бир хил
бўлса-да, улар тарозиди тортила-
диган ё ҳажм билан ўлчанадиган
маҳсулот эмас.
Шунинг учун уларни зиёда
билан алмаштириш жоиз, лекин
жинси бир бўлгани учун насияси
дуруст эмас. Фикҳий манбалари-
мизда шунга ўхшаган мисол: нақд
савдода битта қўйни иккита қўйга
алмаштириш дурустлиги айтил-
ган. Валлоху аълам (“Мухтасарул
виқоя”, “Фикҳул бўйў” китоблари).

ЭСЛАТМА

Инсон ўзини соғлом ҳис қилса ҳам йилда
бир марта профилактик тиббий кўрикдан ўтиб
туриши лозим. Бу касалликларни эрта босқичда
аниқлаб, керакли даво чораларини ўз вақтида
амалга ошириш имконини беради.

НЕГА ШИФОКОР КЎРИГИДАН ТЕЗ-ТЕЗ ЎТИШ КЕРАК?

40 ёшдан кейин
юрак-қон то-
мир хасталик-
лари, қандли
диабет ва
онкологик касалликлар хавфи
ортади. Шу сабабли уларни
тезда аниқлаб, даволаш муо-
лажаларини барвақт бошлаш
кељақда ривожланиши мум-
кин бўлган жиддий асоратлар-
нинг олдини олади.
Шифокор кўригида на-
фақат касалликларга эрта

ташхис қўйиш, балки уларга
мойиллик ҳам аниқланади.
Мисол учун, қандли диабет-
нинг 2-тури ривожланишидан
олдин семизлиги бўлган ин-
сонларда диабет олди ҳолати
кузатилади. Агар уларда бу
жараён барвақт аниқланиб,
керакли даво чоралари ба-
жарилса, беморнинг соғайиш
имконияти янада ортади.
Шундай экан юртдошлари-
мизга шифокор кўригидан тез-
тез ўтишни тавсия қиламиз.

Феруза ТОХИРОВА, Саломатлик ва стратегик ривожланиш
институтини бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Бугун ён-атрофга назар
солсангиз, кўпчилик
инсонларнинг қулоқчинда
музыка ёки аудиокитоб тинглаб
кетаётганига кўзингиз тушади.
Бу яхши, албатта. Аммо ҳар
нарсанинг фойдали томони
бўлгани каби зарари ҳам йўқ
эмас. Айниқса, қулоқчиндан
нотўғри ва узоқ вақт
фойдаланиш саломатлик
учун хатарлидир.

Соғлом қулоқ аниқлай
оладиган энг паст то-
вуш 10-15 децибел,
меъёрий эшитишнинг
энг юқори даражаси 25 де-
цибелни ташкил этади. Инсон
кичирганда овоз баландли-
ги 60-65 децибелга етиб, бу
аллақачон безовталикка олиб
келади. 90 децибел ёки ундан
юқори товушлар эса саломат-
лик учун хавфли.
Шундан келиб чиқсак,
қулоқчин орқали 100-120 де-
цибел ўлчамдаги музыка ёки
аудиокитобни тинглаш эши-
тиш қобилияти учун чинакам
синовдир.
Инсоннинг қулоғи ташқи,
ўрта ва ички қисмлардан
иборат. Ташқи қулоқ атрофдан
келаётган тўлқинларни қабул
қилиб, ногора пардасига узатиб
беради. Унинг орқа қисмида
учта қулоқ суякчаси бўлиб,
баланд товуш таъсирида уларда
толиқиш пайдо бўлади ва бош
мияга узатилаётган тўлқинлар-
нинг кучли зарбидан эшитиш
пасайиб боради.

ҚУЛОҚЧИННИНГ ЗАРАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Инсон кичирганда овоз баландлиги 60-65 децибелга
етиб, безовталикка олиб келади. 90 децибел ёки ундан юқори
товушлар эса саломатлик учун хавфли!

Сабаби, инсон қулоғи фақат
қисқа муддатли баланд то-
вушлардан ҳимоя қилиб, узоқ
муддатли шовқин таъсирида
унинг ички қисми бош миёга
товушли хабарларни етказол-
майди. Оқибатда эшитишда
муаммолар кузатилиб, ҳатто
унинг йўқотилишига олиб кели-
ши мумкин.

Шунингдек, қулоқчинлардан
мунтазам ва узоқ муддат фой-
даланиш бош оғриғи, хотира
сусайиши, асабийлик, уйку-
сизлик, бош айланиши каби
муаммоларнинг юзага кели-
шига сабаб бўлади. Натижада
миа томирларидаги спазмлар
қон босимининг ошишига олиб
келади. Шу билан бирга, уларни

Дурдона АЛИМОВА,
тиббиёт фанлари
номзоди.

тез-тез ишлатиш туфайли қу-
лоқларда мум йиғилиб, тиқин-
лар ҳосил қилади.
Қулоқчин орқали музыка
тинглаш, айниқса, болалар учун
жуда хавфли. Сабаби, улар эр-
талабдан кечгача бу мосламани
тақиб, исталган овоз баланд-
лигини ўрнатишлари мумкин.
Шу боис 10-12 ёшгача бўлган
ўғил-қизларга бундай эшитиш
воситасида музыка тинглаш
тавсия этилмайди.
Катталар ушбу мосламалардан
фойдаланганда овоз баланд-
лигини диққат билан назорат
қилиши керак. Эшитиш воси-
таларидан келадиган овоз
қабул қилинадиган даражада
ёки йўқлигини билиш учун бир
неча сўзни баланд товушда
айтиш лозим. Агар овоз эши-
тилмаса, демак товушни пасай-
тириш зарур.
Қолаверса, атрофдагиларга
музыка эшитилмаслиги керак.
Агар одамлар билан мулоқотда
бакириб гапириш бошланса,
бу овоз баландлигидан дарак
беради. Шунингдек, эшитиш
воситасидан кунига 1,5 соат-
дан ортиқ фойдаланиш тавсия
этилмайди. Товушни эса 60
фойздан оширмаслик лозим.
Унутманг, йўқотилган
эшитиш қобилиятини тиклаш
узоқ ва оғрикли жараён! Шу
боис саломатлиқни ўз вақтида
қадрланг.